ДЕМОКРАТИК ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА УНДА ҲУҚУҚИЙ ОНГНИ БИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ДИАЛЕКТИК АСОСЛАРИ

Акмал Зиядиллаевич Исмайилов
Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: akmal.ismoilov.2016@umail.uz

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик фуқаролик жамияти ва унинг икки томони – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг таркибий қисмлари сиёсий ва ҳуқуқий маданий ҳодисалар сифатида, кенг қамровли ижтимоий маданий ҳодислар сифатида ўз келиб чиқиши, шаклланиши ва такомиллашиб боришига алоҳида этибор қаратилган. Шунингдек, тарихни диалектик маданий тушуниш бўйича илгари сурилаётган қоидалардан навбатдагилари – жамиятнинг субстанционал қонунлари ва уларнинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тизимида намоён бўлиши масалалари бўйича муаллиф томонидан фикрлар берилган.

Калит сўзлар: Демократия, ҳуқуқ, ҳуқуқий давлат, диалектика, фуқаролик, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий онг, қонун, цивилизация, социал ҳаёт, маданий борлиқ.

SOCIAL-PHILOSOPHICAL DIALECTICAL FUNDAMENTALS OF DEMOCRATIC CIVIL SOCIETY AND ITS LEGAL CONSCIOUSNESS

Akmal Ziyadullayevich Ismayilov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region
Senior Teacher of the Department of Social Sciences
E-mail: akmal.ismoilov.2016@umail.uz

ABSTRACT

This article pays special attention to the origin, formation and development of a democratic civil society in Uzbekistan and its two sides - the rule of law and the components of civil society as political and legal cultural events, as a comprehensive socio-cultural events. The author also comments on the following of the proposed rules of dialectical cultural understanding of history - the substantive laws of society and their manifestation in the system of the rule of law and civil society.

Keywords: Democracy, law, rule of law, dialectics, citizenship, civil society, legal consciousness, law, civilization, social life, cultural being**.**

КИРИШ

Биз барпо этаётган демократик фуқаролик жамияти ва унинг икки томони – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг таркибий қисмлари сиёсий ва ҳуқуқий маданий ҳодисалар сифатида, кенг қамровли ижтимоий маданий ҳодисалар сифатида ўз келиб чиқиши, шаклланиши ва такомиллашиб бориши эволюциясига эгадирлар. Демак, улар ўзгаришда ва ривожланишдадирлар. Бу ўзгариш ва ривожланишлар эса борлиқ, жумладан, ижтимоий борлиқ, яъни жамиятнинг умумий алоқадорлари тизимида юз беради. Умумий алоқадорликлар айни вақтда умумий қонуниятлар, яъни диалектик қонуниятлардир. Синергетика жараёни ўз-ўзидан ташкиллашганлик, ўз-ўзидан ривожланиш сифатида ушбу умумий алоқадорликлар ичида юз беради. Бу умумий алоқадорликлар, яъни умумий қонуниятлар эса барча ижтимоий ҳодисалар, жумладан, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий онгда ҳам устуворлик қиладилар ва намоён бўладилар. Борлиқнинг умумий алоқадорликлари диалектик қонуниятлар сифатида жамиятнинг умумий алоқадорликлари – умумижтимоий қонунларида вариацияланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жамиятнинг умумий алоқадорликлари – қонуниятлари тўғрисидаги таълимот ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тизими ва унда ҳуқуқий онгнинг ролини ўрганишда ижтимоий-фалсафий диалектика асослари сифатида ўз ўрнига эга экан, бунда диалектиканинг қонун ва категорияларига “илмий рефлексия” сифатида таянилади. “Диалектика” сўзи этимологик жиҳатдан грекчадан мунозара, баҳс олиб бориш деган маъноларни беради[1]. У ҳозирги кунда фалсафанинг муҳим масаласи – борлиқ, у моддий ёки руҳий борлиқлар бўлсин, ривожланадими ёки йўқми, деган масала негизида юзага келган таълимот – умумий алоқадорлик ва тараққиёт тўғрисидаги билимлар мажмуини ифодалайди. Фалсафий адабиётларда диалектик тафаккур услуби қадимги грек мутафаккири Гераклитдан бошланганлиги таъкидланган [2]. Аслида воқеликдаги боғланишлар тўғрисидаги диалектика элементларини қадимги Шарқдаги фалсафий қарашларда бошланганлигини кўрамиз. Эфеслик Гераклит (эрамиздан олдинги 530-470 - йиллар) қадимги грек фанида стихияли диалектиканинг бошловчиси ҳисобланади. Жумладан, Гераклит “Табиат ҳақида” асарида шундай фикрларни илгари сурган: “Оқар сувга бир дақиқада икки марта тушиш мумкин эмас, чунки ҳар дақиқада сув янгиланиб туради” [3]. “Қуёш нафақат ҳар куни янги, балки қуёш доимо тўхтовсиз янгиланиб туради” [4]. Гераклит бу фикрлари билан ҳамма нарса доимо ўзгаришда, қарама-

қаршиликлар бирлигида эканлигини эътироф этган, аммо ривожланишнинг умумий қонуниятларини кашф этмаган.

Диалектик тафаккур услубининг иккинчи босқичи немис файласуфи Г.В.Ф.Гегель (1770-1831 йиллар) номи билан боғлиқ бўлиб, у идеалистик тарзда бўлса-да, диалектиканинг асосий қонун ва категорияларини кашф қилди.

Диалектик тафаккур услубининг учинчи босқичи К.Маркс ва Ф.Энгельс номлари билан боғлиқ бўлиб, улар ижтимоий ҳодисаларни билишда тарихни идеалистик тушунишга нисбатан, унинг диалектик инкори сифатида тарихни материалистик тушунишни асослаб бердилар. Бунда жамиятнинг асосий соҳаларидан бири – жамиятнинг моддий ҳаёти моддий неъматларни ишлаб чиқариш даражасида ва “ижтимоий борлиқ” тушунчаси ҳам моддий неъматларни ишлаб чиқариш маъноларида ишлатилди. Ва улар ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан асос ва белгиловчи сифатида қаралди. Барча ижтимоий ўзгаришларни моддий ишлаб чиқаришдан қидириш тарих, яъни жамиятни диалектик материалистик тушунишнинг асосий талабидир. Диалектик тафаккур услубида юзага келган бу тушунишнинг ютуғлари, биринчидан, у илмий адабиётда ижтимоий ҳодисаларни диний ва идеалистик тушунишларга, иккинчидан, ижтимоий ривожланишларни тан олмайдиган индетерменистик қарашларга хотима берди. Учинчидан, унинг таъсирида табиатшунослик фанида табиатни диалектик материалистик тушуниш узил-кесил шаклланди ва бу тушуниш ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Жамият ва унинг тарихи, К.Маркс ва Ф.Энгельслар томонидан “тарих” сўзи орқали ифодаланиб, уни диалектик материалистик тушуниш “тарихни материалистик тушуниш” деб аталган экан, бу тушунишнинг салбий оқибатлари, биринчидан, ижтимоий воқеаликни тушунишни иқтисодий материализмга олиб бориши билан, иккинчидан, барча адолатсизликлар манбаи ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик, деган фикрга келинганлиги ва уни зўравонлик билан йўқ қилганлиги билан, учинчидан, тоталитар жамиятни ўрнатганлиги билан, тўртинчидан, бу тоталитар жамият кўплаб кишиларнинг ёстиғини қуритганлиги билан характерланади. Ижтимоий мулкчиликнинг тоталитар йўл билан ўрнатилиши рақобат қонунига барҳам берди ва бу билан ижтимоий тараққиёт секинлашди. Ҳолбуки, мулклар хилма-хиллиги, жумладан, хусусий мулк фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизи ҳисобланади [5]. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади” [6], дейилган ва кафолатланган. К.Маркс ва Ф.Энгельс асослаб берган тарихни материалистик тушуниш ва унинг негизида шакллантирилган коммунистик

мафкура ўзини оқламади. Бу тушуниш ва бу мафкура асосида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тизими ва унда ҳуқуқий онгнинг ўрнини ойдинлаштириб бўлмайди. Чунки тарихий материализм ўрнатган умумижтимоий қонунлар тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот бир томонламадир. Жамиятнинг умумижтимоий қонунларини билмасдан туриб ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини бир бутун тизим сифатида таҳлил қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз ўз тадқиқот ишимизда тарихни диалектик маданий тушуниш доирасида баён этилган умумижтимоий қонунлардан бир қисми – корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлар тўғрисидаги қарашларга таяндик. Юқорида таъкидлаганимиздек, юридик фанлари доктори, профессор З.М.Исламов “кейинги вақтда тарих, жумладан, ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш ҳам таркиб топмоқда” [7], деган эди.

Оддий бошланғич диалектика: ҳақиқатдан ҳам кишилик жамияти табиатдан воқеаликка ишлов бериб ўз ризқини топиш воситасида ажралиб чиққан. Бу борада фикримизнинг исботи сифатида фалсафа фани бўйича Ростов-Дон шаҳрида нашр этилган ўқув қўлланмаларидан бирида ёзилган ушбу диалектик фикрни яна такрор келтирамиз: “Табиатдан фарқли ўлароқ, маданият – бу инсонлар яратган ва яратаётган ҳам моддийлик, ва ҳам маънавийликдир. Маданият – бу у ёки бу эҳтиёжларни қондириш мақсадида махсус ишлов берилган, инсонийлашган табиатдир” [8]. Инсонлар томонидан онгли, мақсадли равишда ишлов бериб яратилган борлиқ маданий борликдир. Маданий борлиқ, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асосидир, деган ғоя тарихни диалектик маданий тушунишнинг моҳиятидир. “Маданий борлиқ” термини, юқорида кўрдикки, профессорлар Х.Т.Одилқориев ва Ш.Ғ.Ғойибназаровлар томонидан ҳам муомалага киритилган [9]. Профессор Ҳ.Ф.Воҳидов ҳам бу борада Тойнбининг фикрларини келтириб шундай ёзади: “Инглиз олими А.Тойнби “цивилизациянинг ички моҳияти, руҳиятини маданий омиллар ташкил этади” дейди” [10].

Сўз тарихни материалистик тушунишнинг инкори сифатида шаклланган тарихни диалектик маданий тушунингнинг моҳияти тўғрисида кетар экан, бу терминни илмий муомалага биринчи бўлиб киритган олимлардан бири – С.Абдухолиқов ва Ш.Шаропов ҳаммуаллифликда ёзган мақолаларидан бирида шундай дейди: “... ҳозирги кунда назария соҳасидаги вазифалардан бири – амалда раҳбариятимиз фаолиятидаги дунёқараш асослари – диалектик маданий тушунишни муфассал ўрганиб ишлаб чиқишдир” [11].

НАТИЖАЛАР

Тарихни материалистик тушунишнинг пировард мақсади ишлаб чиқариш усулининг ролини бўрттирган ҳолда жамият тарихига иқтисодий формацион ёндошиш эди. Ҳар бир иқтисодий формацияда эса асосий ва асосий бўлмаган синфлар, яъни ижтимоий воқеаликда синфий ёндошишнинг устуворлиги келтириб чиқарилган эди. Тарихни диалектик маданий тушунишнинг пировард мақсади эса жамият тарихи ва унинг даврлари – ижтимоий формацияларга цивилизацион ёндошишдир. Цивилизацион ёндошишда фуқаролар манфаатлари асосий ўринга чиқади. Чунки, жамият ижтимоий формациялардан, ижтимоий формациялар эса цивилизациялар, яъни мамлакатлардан ташкил топган. “Цивилизация, - дейди проф. Ш.Шаропов, - муайян системага эга маданий борлиқ томонидан белгиланадиган фуқаролик жамияти” [12]. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тизими ва унда ҳуқуқий онгнинг ўрни цивилизацияларга боғлиқлиги қонунияти мана шу ҳолатдан келиб чиқади.

Демак, ўз-ўзидан кўриниб турубдики, тарихни материалистик тушунишнинг диалектик инкори сифатида юзага келаётган янги тушуниш – тарихни диалектик маданий тушуниш ва унинг пировард мақсади – цивилизацион ёндошиш янгича ҳолда шаклланмоқда. Ушбу тушунишнинг моҳияти С.Абдухолиқов, Х.Ф.Воҳидов, З.М.Исламов, Й.Каракетов, Х.Т.Одилқориев, М.Ҳ.Рустамбоев, Ш.Шаропов, Ш.Ғ.Ғойибназаров Р.П.Маматқулов, Д.Ш.Сагдуллаева, Э.Қалқанов, Г.Эшонова, Б.Турдибоев, Х.А.Джуракулов, Э.О.Кадиров ва бошқаларнинг асарлари ва чиқишларида баҳоли қудрат таҳлил қилиниб, асослаб берилганлигини яна бир бора таъкидлаймиз [13].

Жамиятнинг социал ҳаёти соҳасида ҳам инсон ва унинг микро бирликлари (оила ва меҳнат жамоалари) маданий ҳодисалар бўлиб, уларнинг юзага келиши билан муайян ижтимоий муносабатлар бошланади. Инсонларнинг макробирликлари – уруғчилик, элат ва миллатлар ва уларнинг ички бўлинишларидан бири – социал-синфий тузилмаларнинг муайян жиҳатларига ҳам моддийлик хос бўлиб, уларнинг юзага келиши муайян ижтимоий жараёнларни туғдиради.

Жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаётлари соҳаларида ҳам худди шундай ҳолат. Жамиятнинг сиёсий маданияти негизида жамият – мамлакатнинг сиёсий ҳаёти, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти негизида жамиятнинг ҳуқуқий ҳаётлари, жамиятнинг маънавий маданиятлари негизида жамиятнинг маънавий ҳаёти ва унинг тармоқлари шаклланади. Биз ўрганаётган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқий онглар ҳам маданий ҳодисалар бўлиб, уларнинг юзага келиши билан муайян ўзгаришлар, жараёнлар ва муносабатлар бошланади.

МУҲОКАМА

Тарихни диалектик маданий тушуниш бўйича илгари суриладиган қоидалардан яна бирлари – жамият асоси – маданий борлиқ (маданият)нинг таркибий қисмлари ўртасидаги қонуниятли боғланишлардир. Бунда моддий маданият маданий борлиқнинг таркибий қисми сифатида нафақат моддий ҳаётнинг асоси сифатида, балки шу билан бирга жамиятнинг бошқа соҳаларининг маданий қисмларига нисбатан моддий асос қонунини бажаради. Қонун, у табиий ёки ижтимоий, ёхуд руҳий бўлсин, боғланишлардир. Аммо ҳар қандай боғланишлар ҳам қонун бўлавермайди. “Қонун, - дейилади Фалсафа фани бўйича тузилган китоблардан бирида, - оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир” [14]. Жамиятнинг социал соҳасининг асосий қисми – инсон ва унинг бирликлари эса ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан социал асос қонунини бажаради. Бу қонун субъектнинг белгиловчилик роли, тарихда халқ оммаси ва шахснинг роли, ҳаракатлантирувчи кучлар кўринишларида юз беради. Жамиятнинг сиёсий маданияти эса жамиятнинг бошқа соҳалари маданий қисмларига нисбатан бошқариб турувчилик роли қонунини, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти эса жамиятнинг бошқа соҳалари маданий қисмларига нисбатан тартибга солиб турувчилик қонунини, жамиятнинг маънавий маданияти жамиятнинг бошқа соҳалари маданий қисмларига нисбатан маънавий асос, жумладан гносеологик асос қонунларини бажаради. Ҳуқуқий давлат ва унинг юридик қонунлари жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятлари тизимида жойлашган бўлиб, улар ҳам жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан бошқарувчилик ва тартибга солиб турувчилик қонунларини бажарадилар. Фуқаролик жамияти институтлари эса нодавлат ташкилотлар сифатида жамият негизи – маданий борлиқнинг барча таркибий қисмларидан ўрин олган бўлиб, биз юқорида санаб кўрсатган тўртта корреляцион-функционал қонунлар – инсон ва унинг бирликларининг жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан социал асос қонунини бажариш, моддий маданиятнинг жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан моддий асос қонунини бажариши, жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларининг жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан бошқариб ва тартибга солиб турувчилик қонунларини бажариши, жамиятнинг маънавий маданияти жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан маънавий асос қонунини бажаришлари тизимида қатнашадилар. Ҳуқуқий онг эса жамият маънавий ҳаётининг ўқ илдизи – ижтимоий онг тизимида жойлашган бўлиб, у ҳам маънавий, жумладан, гносеологик асос қонунини бажаришда қатнашади.

Тарихни диалектик маданий тушуниш бўйича илгари сурилаётган қоидалардан навбатдагилари – жамиятнинг субстанционал қонунлари ва уларнинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тизимида намоён бўлиши масалаларидир. Жамият асоси – маданий борлиқнинг тўртта томонлари – инсон ва унинг бирликлари, моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятлар ўз амал қилиш ҳолатларига кўра бир-бирларини тақозо қилар эканлар, уларни система сифатида шакллантирувчи умумижтимоий субстанционал компонентлар ҳам мавжуддир. Жамият асоси – маданий борлиқ юзага келиши учун аввало бор, унинг яратувчиси – субъекти инсон ва унинг бирликлари бўлиши керак. Иккинчидан, ушбу маданий борлиқ юзага келиши учун инсон ва унинг бирликларининг ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлари бўлиши керак. Бу ижтимоий эҳтиёжлар, моддий, жумладан, иқтисодий, сиёсий ва ҳакозолар кўринишларида мавжуд бўлади. Ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар маданиятлар юзага келишининг мотивларидир. Ушбу турли-туман ижтимоий эҳтиёжлар негизида уларни англаш – ижтимоий онг шакллари, жумладан, ҳуқуқий онг таркиб топади. Онг маданий борлиқ юзага келишининг гносеологик асоси вазифасини бажарувчи учинчи субстанционал компонентдир. Онг, жумладан, ҳуқуқий онг негизида маданий борлиқнинг навбатдаги тўртинчи субстанционал компоненти кишиларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги яратувчилик фаолиятларидир. Ижтимоий фаолият жамият ва унинг негизи – маданий борлиқнинг мавжудлиги усули ҳисобланади. Ижтимоий фаолият натижалари эса, улар моддий буюм, ёки норма, уюшмалар, жумладан, фуқаролик жамияти институтлари, маънавий бойликлар ва бошқалар бўлиши мумкин, маданий борлиқнинг мавжудлиги манбаи ва воситалари вазифаларини бажариб, унинг бешинчи субстанционал компоненти ҳисобланадилар. Ижтимоий фаолият натижаларининг ўзлаштирилишлари (жумладан, фойдаланишлар, истеъмол қилишлар ва ҳакозо) ижтимоий фаолиятининг навбатдаги босқичи сифатида моддий борлиқнинг олтинчи субстанционал компоненти ҳисобланади. Маданий борлиқнинг система ташкил этувчи бу олтита субстанционал компонентлари бир-бирларини келтириб чиқарадилар ва олтинчи субстанционал инсон эҳтиёжларини қондириш билан компонент эса биринчи субстанционал компонент – инсон ва унинг бирликларининг мавжудликларини таъминлайдилар. Ушбу субстанционал жараён ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг барча институтларига ҳам хосдир. Жамият асоси – маданий борлиқнинг система ташкил этувчи бу субстанционал компонентларнинг боғланишларидан маданий борлиқнинг субстанционал бир бутунлиги қонуни келиб чиқди. Бу билан жамиятнинг, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг барқарорлиги таркиб топади. Инсон эҳтиёжлари доимийдир.

Шунинг учун ҳам маданий борлиқнинг доимий субстанционал доиравий айланиши ва эҳтиёжларнинг ошиб бориши қонунлари ҳам келиб чиқади. Бу билан жамиятнинг илгарилама ҳаракати, ривожланиши юз беради. Бу ҳолатлар ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтларига ҳам хосдир. Бу соҳадаги эҳтиёжлар эса ҳуқуқий онгнинг такомиллашиб боришига сабаб бўлади.

ХУЛОСА

Биз тадқиқот ишимизда жамиятнинг ушбу корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлари тўғрисидаги ушбу замонавий қарашларга ижтимоий-фалсафий диалектик асос сифатида таяндик. Демак, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тизими ва унда ҳуқуқий онгнинг ўрнини ижтимоий-фалсафий билиш тарихни диалектик тушуниш асосида юқоридаги адабиётларда баён қилинган умумижтимоий корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлар тўғрисидаги қарашларга ҳам, ва умуман, ижтимоий фалсафий диалектикага таянилмас экан, у батамом илмий бўла олмайди ва ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий онг тўғрисидаги юридик ва сиёсий қарашлар учун координацион (яъни уйғунлаштирувчи) ролни тўлақонли равишда бажара олмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: “Шарқ”, 2004. 109-бет.
2. Скирбекк Гуннар, Гилье Нильс. Фалсафа тарихи. – Т.: “Шарқ”, 2002. 28-32 – бетлар.
3. Асмус В. История античной философии. – М.: “Мысль”, 1966. 26 – бет.
4. Маковельский А.О. Досократики. Ч. 1. – Казань, 1919. 148-бет.
5. Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т.: Издательский дом «Мир экономики и права», 2002. 11-бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. 11-бет.
7. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: “Адолат”, 2007. 18-бет.
8. Философия: учебник для студентов высших учебных заведений. – Ростов-Дон.: «Феникс», 1999. 312-бет.
9. Қаранг: Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият: назарий-қиёсий тадқиқот. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2004. 9-бет.
10. Воҳидов Ҳ.Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш методологияси // Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003. 8-бет.

11. Шаропов Ш., Абдухолиқов С. Мафкура: диалектик - маданий ёндошув. “Ватан” газетаси, 1993 йил. 37-сон. // Шарқона босиқлик сири. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. 23-бет.
12. Шаропов Ш., Абдухолиқов С. Тарихни цивилизацион даврлаштириш муаммоси // “Истиқлол мафкураси: манбалари, муаммолари ва ҳал қилиш йўллари” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТошДУ нашриёти, 1994. 154-бет.
13. Nazirov, H. H., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. *Евразийский союз ученых*, *6*(75), 64-65.

REFERENCES

1. Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: “Шарқ”, 2004. 109-бет.
2. Скирбекк Гуннар, Гилье Нильс. Фалсафа тарихи. – Т.: “Шарқ”, 2002. 28-32 – бетлар.
3. Асмус В. История античной философии. – М.: “Мысль”, 1966. 26 – бет.
4. Маковельский А.О. Досократики. Ч. 1. – Казань, 1919. 148-бет.
5. Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т.: Издательский дом «Мир экономики и права», 2002. 11-бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. 11-бет.
7. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: “Адолат”, 2007. 18-бет.
8. Философия: учебник для студентов высших учебных заведений. – Ростов-Дон.: «Феникс», 1999. 312-бет.
9. Қаранг: Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият: назарий-қиёсий тадқиқот. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2004. 9-бет.
10. Воҳидов Ҳ.Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш методологияси // Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003. 8-бет.
11. Шаропов Ш., Абдухолиқов С. Мафкура: диалектик - маданий ёндошув. “Ватан” газетаси, 1993 йил. 37-сон. // Шарқона босиқлик сири. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. 23-бет.
12. Шаропов Ш., Абдухолиқов С. Тарихни цивилизацион даврлаштириш муаммоси // “Истиқлол мафкураси: манбалари, муаммолари ва ҳал қилиш йўллари” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТошДУ нашриёти, 1994. 154-бет.
13. Nazirov, H. H., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. *Евразийский союз ученых*, *6*(75), 64-65.